

Усмон розияллоҳу анҳуга байъат

Image not found or type unknown



17:18 / 30.11.2025 1630

بِأَصْطِي نَأْلِبَقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّرْمُعُ تِيَّأَرُ: لَأَقُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّرْمُعُ نَبُ وَرْمَعُ نَعُ
أَمْتَلَعَفُ فَيَكُ: لَأَقُ فَيَنْحُ نَبُ نَأْمُتْغُ وَهَفَيَّ دُحُ يَلَعُ فَقَوَهَ نَي دَمْلِبِ مِ أَيَّأَبُ
هُلَا يَهَ أَرْمَأُ هَأَنْ لَمَحُ: أَلَأَقُ؟ قِي طُتْ أَلِ أَمْ ضَرَّأَلِ أَمْ تَلَمَّحُ دَقُ أَنْ وُكَّتْ نَأْنِ أَفَاحَتْ أ
قِي طُتْ أَلِ أَمْ ضَرَّأَلِ أَمْ تَلَمَّحُ أَنْ وُكَّتْ نَأْ أَرْطُنَا: لَأَقُ، لَضَفَ رِي بَكُ أَهِي فِ أَمْ هَقِي طُم
لُجَرُ يَلِ نَجَتْحِي أَلِ قِ أَرْغَلِ لَهَأُ لِمَ أَرَأُ نَعَدَأَلُ هَلَلَا يَنْ مَلَسُ نَأْلُ: رْمُعُ لَأَقُ فِ، أَلِ: أَلَأَقُ
أَلِ هُنَيَّ بَوُ يَنْ يَبُ نَكَيَّ مَلَوُ بِي صُأُ يَّحُ هَعَبَارُ أَلِ هُنَيَّ لَعُ تَتَأْ أَمْ فِ: لَأَقُ، أَدَبَأُ يَدُغُ ب
رِي مَلِ إِذِ يَّحُ، أُووتْ سَأَلِ أَلِ نِيَّ فِ صِلَا نِيَّ بَرْمُ إِذِ نَأْ كَوُ، بِي صُأُ هَأَدَغُ سَأَبَعُ نَبُ بَا
هَعُ كُرَلَا يَفِ لَكَ لَذَوْحُ نَوُ وَأَلِ لَحُّ لَلَا وَأُ فُسُويَّ هَرُوسُ أَرْقُ أَمْ بَرُو، رَّبَّ كَفِ مَدَقَاتِ أَلِ لَحُّ نَهِي فِ
يَنْ لَكَ أَوُأُ يَنْ لَتَقُ: لُوقِي هُنَعُ مَسَفِ رَّبَّ كُ نَأْ أَلِ وَهُ أَمْ فِ، سَأَنْ لَلِ عَمَتْحِي يَّحُ يَلِ وُأَلِ
أَلِ وَأَنْ يَمْ يَدْحُ أَلِ عُرْمِي أَلِ نِيَّ فِ رَطِ تَأْذِي نِيَّ كُ سَبُ جُ لَعُ لَأِ رَأَطُ فِ، هُنَعُ طَنِي حُ بَلْ كُ لَلِ
لُجَرُ كُ لَذِ يَّأَرُ أَمْ لَفِ، هَعُ بَسُ مُمْ هُنَمَ تَأْمُ أَلِ جَرَّ رَشَعِ هَثَأَلِ ثَنَعُ طِ يَّحُ، هُنَعُ طِ أَلِ أَلِ أَمْ ش
لِ وَأَنْ تَوُ، هَسُ فَنَ رَحَنُ دُؤُحُ أَمْ هُنَأُ جُ لَعُ لَلِ نَطُ أَمْ لَفِ، أَسُنُ رُبُ هُنَيَّ لَعُ حَرَطَ نِي مَلَسُ مَلَا نَم
تِيَّ أَرُ يَدَّلَا يَّأَرُ دَقُ فِ رْمُعُ يَلِي نَمَ فِ، هَأَلِ صِلَلُ هَمَدَقُ فِ فَوَعُ نَبُ نَمَحُ رَلِ دَبَعُ دِي رْمُعُ

الْاِوْفَلْ كَيْ اَلْوِ، مِهْ اَرُوْ نَمَلْ تَا قِيْ نْ اَوْ، مِهْ دَعْبْ مَهْلْ يَفُوِيْ نْ اَوْلُوْسَرَّهْ مَدُوْهَلْ لْ
 :اَلْاَقُوْةَ شَيْ اَعْلَعْ رَمْعُ نَبَا مَلَسَفْ، يَشْمَنْهَبْ اَنْجَرَخْ ضَبْقْ اَمَلَفْ :اَلْاَقِ، مَهْ تَقَاطِ
 نَمَغْرُفْ اَمَلَفْ، هَيْ بَحَا صَعَمَ كَلْ اَنْهَعَضُوْفْ لَخْدَاْفْ، هُوْلُحْدَاْ :تَلْاَقِ، رَمْعُ نَدَاْتَسِيْ
 ، مَكْنَمِةَ اَلْاَلْثِ يَلْ اِيْمُكْرَمَاْ اَوْلَعَجَاْ :نَمَحْرَلْ اِدْبَعْلْ اَقَوْفْ، طَهْرَلْ اِءَاْلُوْهَعَمْتَجَاْ هَنْفَدِ
 ، اَنْمُتْعُ يَلْ اِيْرَمَاْ تَلْعَجْ دَقْ :عَلَطَلْ اَقَوْفْ يَلْ اِيْرَمَاْ تَلْعَجْ دَقْ :رِيْبُ زَلْ اَلْاَقَوْفِ
 اَمْكِيْ اِيْمُحْرَلْ اِدْبَعْلْ اَقَوْفِ، فَوْعْرَنْبَنْ مَحْرَلْ اِدْبَعْلْ يَلْ اِيْرَمَاْ تَلْعَجْ دَقْ :دَعْسَلْ اَقَوْ
 يَفْمَهْلْ ضَفْ اَنْرُطْنَيْ لْ، اَمَالْسِلْ اَوْهَيْ لَعْلْ اَوْلْ اَوْهَيْ لْ اَوْلَعَجَنْفَرْمَاْ اِلْ اَدَهْ نَم اَرْبَتِ
 وُلْ اَلْاَقِيْ لَعْلْ اَوْلْ اَوْيَلْ اَوْلَعَجَتْ فَ اِيْمُحْرَلْ اِدْبَعْلْ اَقَوْفِ اَنْ اَخِيْ شَلْ اَتَكْسُ اَفْ، هَسَنْفَنْ
 هَلْ لْ اَوْلُوْسَرَّهْ نَمُةَ اَرْقْ كَلْ :اَلْاَقَوْفِ (اِيْلَعْ) اَمِهْدَحْ اِدْيَبْ دَحْ اَفْ، مَعَنْ :اَلْاَقِ، مَكْلْ ضَفْ اَنْعِ
 نْ اَلْاَقِيْ لَعْلْ اَوْلْ اَفْ، تَمَلْعْ دَقْ اَمْمَاْلْسِلْ اَلْاَقِ يَفْمَدِقْلْ اَوْلْ مَلَسَوْهَيْ لَعْلْ اَوْلْ اَلْاَقِ
 رَخْ اَلْاَبْ اَلْاَخْمُثْ، مَعَنْ :اَلْاَقِ، نَعِيْ طَلْ وَنْعَمْ سَلْ اَنْمُتْعُ تَرْمَاْ نْ اَوْلْ، نَلْ دَعْلْ كُتْرَمَاْ
 هُوْغِيْ اَبَفْ اَنْمُتْعُ اِيْ كَدِيْ عَفْرَاْ :اَلْاَقِ اَمِهَيْ لَعْلْ اَقَاثِيْ مَلْ اِدْحَاْ اَمَلَفْ، كَلْ دَلْ ثَمْ هَلْ لْ اَقَوْفِ
 :يْرَاخُ بَلْ اَوْلُوْهَعْفِيْ اَبَفْ رَا دَلْ اَوْلْ اَوْلُوْهَعْفِيْ لَعْلْ اَوْلْ اَبَفْ

Амр ибн Маймун розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умарни мусибатга учрашидан бир неча кун олдин Мадинада кўрдим. У Ҳузайфа ва Усмон ибн Ҳунайфни олдиларида тўхтаб:

«Икковингиз нима қилдингиз? Ерга унинг тоқати етмайдиган нарсани юклаб қўймадингизми тағин?» деди.

«Биз унга тоқати етадиган нарсани юкладик. Кўп ортиқлиги йўқ», дейишди.

«Яхшилаб назар солинглар, яна ерга у тоқат қила олмайдиган нарсани юклаб қўйманглар», деди.

«Йўқ», дейишди.

«Аллоҳ саломат қилса, Ироқнинг тул аёлларини мендан кейин ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган қиламан», деди.

Ана шунинг тўртинчи куни у мусибатга учради. У мусибатга учраган тонгда мен билан унинг орасида Ибн Аббосдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У одатда икки сафнинг орасидан ўтса, «Тўғриланинглар!» дер эди. Токи сафларда камчилик кўрмаганда, олдинга ўтиб, такбир айтар эди. Биринчи рақъатга одамлар жамланиши учун сураи Юсуфними, Наҳлними ёки шуларга ўхшашними қироат қилар эди.

У такбир айтганидан сўнг (Абу Луълуа) чавақлаганда: «Мени

Ўлдирди» ёки «Еди ит!» деганини эшитдим. Ажам кофир икки тигли пичоқ билан тезлаб юриб, кимнинг олдидан ўтса, ўнг томонда бўлса ҳам, чап томонда бўлса ҳам, пичоқ санчар эди. Шу тарзда ўн уч кишини пичоқлади. Улардан еттитаси ўлди. Буни кўрган мусулмонлардан бири унинг устига чопон ташлади. Ажам кофир тутилишни кўрганидан кейин ўзини сўйиб юборди.

Умар Абдурраҳмон ибн Авфни қўлидан ушлаб олдинга, намозга ўтказди. Умарга яқин турганлар мен кўрган нарсани кўрдилар. Аммо масжиднинг бошқа тарафидагилар нима бўлганини билмас эдилар. Улар Умарнинг овози йўқолиб қолганини билдилар, холос. Улар: «Субҳаналлоҳ! Субҳаналлоҳ!» дейишар эди. Абдурраҳмон ибн Авф уларга енгил намоз ўқиш берди.

Улар намоздан чиққанларида у (Умар):

«Эй Ибн Аббос, қара-чи, мени ким қатл қилди экан?» деди.

У бир муддат айланди-да, қайтиб келиб:

«Муғйиранинг ғуломи», деди.

«Хунармандми?» деди (Умар).

«Ҳа», деди Ибн Аббос.

«Аллоҳ уни қатл этсин! Мен унга маъруфни амр қилган эдим. Менинг ўлимимни Исломни даъво қилмайдиганнинг қўлида қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин! Сен билан отанг ажам кофирлар Мадинада кўпайишини яхши кўрар эдинглар», деди.

Аббос уларнинг ичида қули энг кўплардан эди.

«Агар хоҳласангиз, уларни ўлдираман», деди ибн Аббос.

«Бекор айтибсан! Улар тилингизда гапирганларидан, қиблангизга қараб намоз ўқиганидан ва ҳажингизни адо этганларидан кейинми!?» деди Умар.

У уйига кўтариб олиб борилди. Биз ҳам бирга кетдик. Худди одамларга ўша кунгига ўхшаш мусибат етмаганга ўхшар эди. Биров: «Ҳеч гап эмас», деса, бошқаси: «Унга бирор гап бўладими деб кўрқаман», дер эди. Унга ивителиган хурмо суви берилди. Ичувди, жароҳатидан оқиб чиқди. Сўнгра унга сут берилди. Ичувди,

жароҳатидан оқиб чиқди. Одамлар унинг ўлишини билдилар. Биз ҳам унинг олдига кирдик. Одамлар келиб, унга мақтов сўзларини айта бошладилар. Бир ёш йигит келиб:

«Хурсанд бўлинг, эй мўминларнинг амири! Аллоҳ сизга берган башоратлар ила: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаси бўлиш, Исломдаги фазлингиз... Сўнгра волий бўлдингиз ва адолат қилдингиз. Кейин эса шаҳидлик», деди. Умар:

«Бу менинг фойдамга ҳам, зараримга ҳам бўлмаслигини истардим», деди.

Йигит ортига қайтиб кетаётганда изори ерга судралиб кетаётгани маълум бўлди. Умар:

«Менга йигитни қайтаринглар!» деди. У келди ва унга:

«Эй биродаримнинг ўғли, кийимингни кўтариб ол. Бу кийиминг учун давомийликдир, Роббинг учун тақволикдир», деди ва гапида давом этиб:

«Эй Абдуллоҳ ибн Умар! Менинг қарзларимга назар сол», деди. Ҳисоб қилишган эди, саксон олти мингча чиқди.

«Агар Оли Умарнинг моли етса, қарзни уларнинг молидан адо қил. Етмаса, Бани Адий ибн Каъбдан сўра. Агар уларнинг ҳам моллари етмаса, Қурайшдан сўра, улардан бошқаларга ўтма. Менинг зиммамдаги бу молни адо қил. Мўминларнинг онаси Оишанинг олдига бориб, «Умар сизга салом айтадир», дегин. Мўминларнинг амири демагин, мен бугун мўминларга амир эмасман. «Умар ўзининг икки соҳиби ила дафн қилинишга изн сўрайдир», дегин», деди у. У бориб, салом берди ва изн сўради. Сўнгра унинг олдига кирса, ўтириб олиб, йиғлаётган экан. У (Ибн Умар) унга Умар айтган нарсани айтди.

У киши:

«Ўзимга кўзлаган эдим. Энди, албатта, бугун уни ўзимдан устун қўяман», дедилар.

У қайтиб келганда «Мана, Абдуллоҳ ибн Умар қайтиб келди», дейилди. Умар:

«Мени турғазинглар» деди. Бир киши уни ўзига суяб олди. У Ибн Умарга:

«Нима билан келдинг?» деди.

«Сиз яхши кўрган нарса билан, изн бердилар», деди.

«Алҳамдулиллаҳ! Мен учун ундан кўра муҳимроқ нарса йўқ эди. Бас, қачон қазо қилсам, мени кўтариб боринглар ва сен салом бергин-да, «Умар ибн Хаттоб изн сўрайди», дегин. Агар менга изн берса, мени киритинглар. Агар рад қилса, мени мусулмонларнинг қабристонига қайтариб олиб боринглар», деди.

Мўминларнинг онаси Ҳафса (бинти Умар) келди. У киши билан бирга аёллар келишарди. Уларни кўриб, ўрнимиздан турдик. У киши унинг олдига кириб, бир муддат қолди. Эркаклар изн сўрадилар. У киши улар учун ичкарига кириб турдилар. Ичкаридан у кишининг йиғиларини эшитдик.

Одамлар:

«Эй мўминларнинг амири, васият қилинг, ўрнингизга халифани танланг», дедилар. У киши:

«Бу ишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози ҳолларида вафот этган кишилар: Али, Усмон, Зубайр, Саъд, Толҳа ва Абдурраҳмон (ибн Авф)лардан бошқани ҳақли кўрмайман. Сизларга Абдуллоҳ ибн Умар гувоҳ бўлади. Унинг ўзига амирликдан ҳеч нарса йўқ. Бу унинг учун таъзияга ўхшаган бир нарса. Агар амирлик Саъдга етса, яхши. Агар ундай бўлмаса, сиздан ким амир қилинса ундан ёрдам олиб турсин. Мен уни ожизлик ёки хиёнат юзасидан ишдан олганим йўқ», деди.

Кейин у киши: «Ўзимдан кейинги халифага аввалги муҳожирларнинг ҳаққини билмоғини, уларнинг ҳурматини қилмоғини васият қиламан.

Унга диёрга жойлашган ва иймонга ихлос қилган ансорларга яхшилик қилмоқни васият қиламан. Уларнинг яхшисидан яхшилигини қабул қилмоғини ва ёмонини афв қилмоғини васият қиламан.

Унга барча юртлар аҳлига яхшилик қилмоғини васият қиламан. Улар Ислоннинг таянчларидир. Мол йиғувчилардир. Душманнинг аччиғини чиқарувчилардир. У улар(нинг моллари)дан фақат ортиб қолган нарсани ўзларининг розилиги билангина олсин.

Унга аъробийларга яхшилик қилишни васият қиламан. Чунки улар арабларнинг аслидирлар. Ислоннинг ўзагидирлар. У уларнинг молларининг хошиясидан олиб, фақирларига берсин.

Унга Аллоҳнинг зиммасидагиларга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиммасидагилар учун аҳдга вафо қилишни, уларни ҳимоя қилиб урушишни, тоқатларидан ташқари нарсани таклиф қилмасликни васият қиламан», деди».

«У киши қабзи руҳ бўлганларидан кейин кўтариб, олиб чиқдик. Юриб бордик. Ибн Умар Оишага салом берди ва: «Умар ибн Хаттоб изн сўрайди», деди. (Оиша): «Уни киритинглар», деди. У киши киритилди. Ўша ерга, икки соҳибларининг ёнига қўйилди.

У кишининг дафнидан фориғ бўлингандан кейин ҳалиги гуруҳ тўпландилар. Бас, Абдурраҳмон:

«Ишни ичингиздан уч кишига оширинг», деди.

Зубайр: «Мен ўз ҳаққимни Алига ўтказдим», деди.

Толҳа: «Мен ўз ҳаққимни Усмонга ўтказдим», деди.

Саъд: «Мен ўз ҳаққимни Абдурраҳмон ибн Авфга ўтказдим», деди.

Сўнгра Абдурраҳмон: «Қай бирингиз бу ишдан воз кечади? Ишни унга ҳавола қиламиз. Аллоҳ ва Ислон унга кузатувчи бўлади. У ўзи афзал кўрганни танлайди», деди.

Икки шайх сукут сақладилар. Шунда Абдурраҳмон:

«Уни менга ҳавола қиласизларми? Аллоҳ менинг кузатувчим. Мен сиздан афзалингизни танлашда куч-имкониятимни аямайман», деди. Икковлари:

«Ҳа», дедилар.

Улардан бирининг (Алининг) қўлидан тутди-да:

«Ўзинг биласан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаробатинг (қариндошлигинг) бор. Ислонда қадимлигинг бор. Аллоҳ тепангда турибди. Айт-чи, сени амир қилсам, адолат қиласанми? Усмонни амир қилсам, унга қулоқ осиб, итоат қиласанми?» деди.

«Ҳа», деди у.

Кейин бошқаси билан холи қолиб, унга ҳам худди аввалгига ўхшаш гапларни айтди. Икковларидан аҳдногани олиб бўлгандан сўнг:

«Қўлингни кўтар, эй Усмон!» деди-да, унга байъат қилди. Али ҳам унга байъат қилди. Ҳовли аҳли ҳам кириб, унга байъат қилдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу ривоятнинг бошида зикр этилган ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу, Ҳузайфа ибн Ямон ва Усмон ибн Ҳунайф розияллоҳу анҳумо орасидаги суҳбатни тушунишимиз учун бир оз шарҳга эҳтиёжимиз тушади.

Ўша вақтда Умар розияллоҳу анҳу икковларини Ироққа ерларнинг харож миқдорини аниқлаш учун юборган эдилар. Мазкур учрашув ва суҳбат икковлари бориб, топширилган вазифани бажариб келганларидан кейин бўлмоқда. Ҳазрати Умарнинг:

«Ҳузайфа ва Усмон ибн Ҳунайфни олдиларида тўхтаб:

«Икковингиз нима қилдингиз? Ерга унинг тоқати етмайдиган нарсани юклаб қўймадингизми тағин?» деганлари «Ироқликларга уларнинг ерларидан чиқадиган ҳосилларида ортиқча харож солиб юбормадингларми?» деган маънони англатади.

Уларнинг ғайридинларга унчалик оғир харож солмаганларидан кўнгиллари тўқ бўлган халифа:

«Аллоҳ саломат қилса, Ироқнинг тул аёлларини мендан кейин ҳеч

кимга ҳожати тушмайдиган қиламан», дедилар. Яъни «Харож ва бошқа тушумлардан ўша ердаги бева-бечораларга доимо манфаат етиб, эҳтиёжларини қондириб турадиган чора кўраман», деган ниятни қилдилар.

Аммо ёвуз кучлар дунёни адолатга тўлдириб турган, барча бева-бечораларга ёрдам бериб турган бу улуғ зотни кўп кўрдилар, у кишига суиқасд уюштириб, ҳалок қилдилар.

Умар розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётишларига қарамасдан, ўзларидан кейин бўладиган халифани сайлаш йўлини баён қилиб бердилар. У киши бу ишда янги услубни таклиф қилдилар: Шуро мажлиси тузилади. У мажлис-маслаҳат қилиб, мусулмонларга жамият бошлиғилигига номзодни тақдим қилади. Халқ унга байъат қилса, халифа бўлади. Ўшанда жумладан, қуйидагилар бўлиб ўтди:

«Одамлар:

«Эй мўминларнинг амири, васият қилинг, ўрнингизга халифани танланг», дедилар. У киши:

«Бу ишга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рози ҳолларида вафот этган кишилар: Али, Усмон, Зубайр, Саъд, Толҳа ва Абдурраҳмон (ибн Авф)лардан бошқани ҳақли кўрмайман. Сизларга Абдуллоҳ ибн Умар гувоҳ бўлади. Унинг ўзига амирликдан ҳеч нарса йўқ. Бу унинг учун таъзияга ўхшаган бир нарса. Агар амирлик Саъдга етса, яхши. Агар ундай бўлмаса, сиздан ким амир қилинса ундан ёрдам олиб турсин. Мен уни ожизлик ёки хиёнат юзасидан ишдан олганим йўқ», деди».

Шундай қилиб, Умар розияллоҳу анҳу ўша пайтдаги мусулмонлар ичида энг афзал ҳисобланган олти кишидан шуро кенгаши туздилар. Улар кенгаш ўтказиб, ўзларидан бирларини халифаликка номзод сифатида халққа тақдим қилишлари керак эди.

Ушбу жойда номзодлардан бири бўлмиш Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳақларида Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг алоҳида мулоҳаза айтишларига сабаб бор. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу у кишини аввал фотиҳларга бош қўмондон қилиб тайин қилган эдилар. Кейинчалик Саъд розияллоҳу анҳунинг устидан у киши ишлаб турган жойларидаги одамлардан ариза тушди. Текширишларда Саъд розияллоҳу анҳудан айб

топилмаса ҳам, орага совуқчилик тушиб қолганлиги сабабли у кишини ишдан бўшатган эдилар. Бўлиб ўтган ишнинг ҳақиқатидан хабари йўқлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу айбдорлиги учун ишдан бўшатирилган, деган гумонга боришлари мумкин эди. Зийрак халифа Умар розияллоҳу анҳу юқоридаги гаплари билан бундай шубҳаларга ўрин қолдирмадилар.

«Кейин у киши: «Ўзимдан кейинги халифага аввалги муҳожирларнинг ҳаққини билмоғини, уларнинг ҳурматини қилмоғини васият қиламан.

Унга диёрга жойлашган ва иймонга ихлос қилган ансорларга яхшилик қилмоқни васият қиламан. Уларнинг яхшисидан яхшилигини қабул қилмоғини ва ёмонини афв қилмоғини васият қиламан.

Унга барча юртлар аҳлига яхшилик қилмоғини васият қиламан. Улар Исломнинг таянчларидир. Мол йиғувчилардир. Душманнинг аччиғини чиқарувчилардир. У улар(нинг моллари)дан фақат ортиб қолган нарсани ўзларининг розилиги билангина олсин.

Унга аъробийларга яхшилик қилишни васият қиламан. Чунки улар арабларнинг аслидирлар. Исломнинг ўзагидирлар. У уларнинг молларининг хошиясидан олиб, фақирларига берсин.

Унга Аллоҳнинг зиммасидагиларга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиммасидагилар учун аҳдга вафо қилишни, уларни ҳимоя қилиб урушишни, тоқатларидан ташқари нарсани таклиф қилмасликни васият қиламан», деди».

Умар розияллоҳу анҳунинг ўзларидан кейин сайланадиган халифага қилган ушбу васиятларида ўша пайтда Ислом жамияти соясида яшаб турган барча тоифадаги халқларга меҳрибон бўлиш тавсияси бор эди. Биз у кишининг Ислом жамияти соясида яшаб турган ғайридинларга нисбатан қилган тавсияларига алоҳида эътибор бермоқчимиз. Ҳазрати Умар уларни ғайридинлар, кофирлар ёки мусулмонмаслар, демасдан, **«Аллоҳнинг зиммасидагилар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг зиммасидагилар»**, деб атамоқдалар.

Шунинг ўзидан ҳам уларга Исломда қайси назар билан қаралишини

тушуниб олсак бўлаверади.

Биз ўрганаётган ушбу ривоятда Умар розияллоҳу анҳунинг халифаликка номзодлар, ўғилларига бу борадаги кўрсатмалари ва номзод танлашнинг охириги босқичи қисқагина баён этилмоқда. Аслида эса анчагина гаплар бўлиб ўтган.

Келинг, Ислом тарихидаги энг нозик ва аҳамиятли бу ҳодисаларни бошқа ривоятларга суянган ҳолда бир оз батафсилроқ ўрганайлик.

Умар розияллоҳу анҳу ўлим тўшагида ётган бўлишларига қарамай, ўзларидан кейин бўладиган халифа тўғрисидаги ишларни жуда пухта қилган эдилар.

У киши Абу Толҳа Ансорий розияллоҳу анҳуга ичларидан халифаликка номзод танлашлари лозим бўлган олти кишилик, шуро мажлиси аъзоларини қўриқлаш учун ансорий саҳобалардан эллик кишилик гуруҳ тузишни амр қилдилар.

Ал-Миқдод ибн Асвад розияллоҳу анҳуга шуро мажлиси аъзолари ва Абу Толҳа розияллоҳу анҳу бошлиқ эллик кишилик қўриқчилар гуруҳини шуро мажлиси ичидан бир кишини номзодликка танлагунларича жой ва бошқа керакли нарсалар билан таъминлаб туришни топширдилар.

Умар розияллоҳу анҳунинг халифаликка даъвогар бўлмаса ҳам, шуро мажлисига ўз ўғиллари Абдуллоҳни қўшиб қўйишлари ҳам ҳикматдан холи эмас эди. Олти кишилик даъвогарлар гуруҳи учтадан иккига бўлиниб, овозлари тенг бўлиб қолса, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг овози ҳал қилувчи овоз бўлар эди.

Умар розияллоҳу анҳу шуро мажлиси аъзоларига тинч-омон макон, қўриқчилар тайёрлаш билангина кифояланмадилар. Иш чўзилиб кетмаслиги, бошқа нарсалар аралашиб, халифа сайлаш кечга сурилиб, мусулмонлар зарар тортмасликлари учун шуро мажлисига бу иш учун уч кун муҳлат бердилар.

Ўша уч кун давомида намозга ўтишни Суҳайб Румий розияллоҳу анҳуга топширдилар. Бу ишни номзодлардан бирортасига топширсам, буни ўша одамнинг халифа бўлишига ишора, деб тушунилмасин, деган фикр ила улардан бирортасини ҳам намозга имомликка тавсия қилмадилар.

Ҳазрати Умар ўзларига қарши уюштирилган суиқасднинг асосий мақсади мусулмонлар орасида фитна чиқариб, бир-бирлари билан уриштириш эканини яхши англаб етган эдилар. Шунинг учун ўринларига халифа сайлашда ўша фитна чиқмаслиги учун қаттиқ чоралар кўришга ҳаракат қилдилар. Бунинг учун эса мазкур олти номзод ичида ихтилоф чиқмаслиги асосий омил эди. Шунинг учун уларни алоҳида тўплаб, мажлис ўтказдилар.

Улар йиғилиб келишганда ҳазрати Умар Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳуга қараб:

«Анави қавм сенинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қариндош эканингни, Аллоҳ сенга берган фикҳ ва илмни қадрлаб қолишлари мумкин. Агар бу ишга эга бўлиб қолсанг, Аллоҳга тақво қилгин, Бани Ҳошимни одамларнинг елкасига чиқариб қўймагин», дедилар.

Сўнгра Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуга:

«Эй Усмон! Эҳтимол, анави қавм сенинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга куёв эканингни, ёшингни ва шарафингни қадрлаб қолишлари мумкин. Агар бу ишга эга бўлиб қолсанг, Аллоҳга тақво қилгин, Бани Абу Муъайтни одамларнинг елкасига чиқариб қўймагин», дедилар.

У киши Абдуллоҳ ибн Умарга шуро мажлиси аъзоларининг бошида туришни, агар беш киши бир гапга иттифоқ бўлиб, бир киши қарши чиқса, унинг бошини узишни тайинладилар. Агар тўрт киши бир гапга иттифоқ бўлиб, икки киши қарши чиқса, ўша иккитанинг бошига қилич урилади. Агар уч киши бир шахсни, бошқа уч киши бошқа шахсни ихтиёр қилса, ҳукм Абдуллоҳ ибн Умарга ҳавола бўлади. У кимни танласа, ўша халифа бўлади. Агар Абдуллоҳ ибн Умарнинг таклифини қабул қилмасалар, Абдурраҳмон ибн Авф қайси гуруҳда бўлсалар, ҳукм ўша гуруҳники бўлади. Одамлар иттифоқ қилган нарсага қарши чиққанлар қатл этилади.

Бу ерда саҳобаи киромлар шуро, яъни демократия низомига қанчалик риоя қилганликларини аниқ кўрмоқдамиз. Ўша пайтда Ислоҳ жамиятида вазият жуда ҳам нозик эди. Аскарларнинг ҳаммаси Рум ва Форс фатҳлари билан овора эдилар. Жамият бошлиғи суиқасдга учраб, ўлим тўшагида ётар эди. Унга қарши уюштирилган суиқасд давомида саҳобалардан яна етти киши ўлдирилган ва бир қанчалари оғир ярадор бўлган эдилар. Шу боис барча эътибор шуро орқали ҳокимни сайлаб, мусулмонлар орасида фитна чиқмаслиги чораларини кўришга қаратилди.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳунинг дафн маросимлари тугаганидан кейин Миқдод ибн ал-Асвад розияллоҳу анҳу шуро мажлиси аъзоларини Мисвар ибн Маҳранинг уйига тўплади. У киши Абу Толҳа розияллоҳу анҳуга ўзининг эллик кишилиқ гуруҳи билан шуро аъзоларини қўриқлаш, уларнинг олдига ҳеч кимни киритмасликни топширди. Абу Толҳа мажлис аъзоларига: «Умарнинг жонини олган Зот ила қасамки, уч кундан ортиқ зиёдага йўл қўймайман», деди.

Шуро мажлиси ўз ишини бошлади.

«У кишининг дафнидан фориғ бўлингандан кейин ҳалиги гуруҳ тўпландилар. Бас, Абдурраҳмон:

«Ишни ичингиздан уч кишига оширинг», деди.

Зубайр: «Мен ўз ҳаққимни Алига ўтказдим», деди.

Толҳа: «Мен ўз ҳаққимни Усмонга ўтказдим», деди.

Саъд: «Мен ўз ҳаққимни Абдурраҳмон ибн Авфга ўтказдим», деди.

Сўнгра Абдурраҳмон: «Қай бирингиз бу ишдан воз кечади? Ишни унга ҳавола қиламиз. Аллоҳ ва Ислом унга кузатувчи бўлади. У ўзи афзал кўрганни танлайди», деди.

Икки шайх сукут сақладилар. Шунда Абдурраҳмон:

«Уни менга ҳавола қиласизларми? Аллоҳ менинг кузатувчим. Мен сиздан афзалингизни танлашда куч-имкониётимни аямайман», деди. Икковлари:

«Ҳа», дедилар.

Шундай қилиб, халифаликка даъвогар икки киши қолди. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг вазифалари ҳазрати Али ва ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳумодан бирларини танлаб, мусулмонлар оммасига номзод сифатида тақдим қилиш эди.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу саҳобалар билан маслаҳат қилишни бошладилар. У киши атрофлардан келган қўмондонлар билан, ҳазрати

Умарга суиқасд қилинганини эшитиб келганлар – ҳамма-ҳамма билан олдиларига бориб, маслаҳат қилдилар. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу улар билан қолган икки номзоддан қай бирини танлаш ҳақида маслаҳатлашар эдилар.

Кўпчилик ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни ихтиёр қилдилар. Ҳамма «Алининг қаттиққўллиги ҳозир кўзланган фойдани бермаса керак», дер эди.

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу охири яна шуро мажлиси аъзолари олдига қайтдилар. У киши Али розияллоҳу анҳудан: «Агар бу иш сенга бўлмаса, кимни энг ҳақли деб биласан?» деб сўрадилар.

«Усмонни», дедилар Али розияллоҳу анҳу.

Кейин Усмонга ҳам худди шу саволни берган эдилар, у киши Алини айтдилар. Саъд ибн Абу Ваққосдан сўраган эдилар, у киши Усмонни ихтиёр қилдилар.

Шуро мажлисининг учинчи куни, Бомдод намозидан кейин Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу шуро аъзоларини тўпладилар. Муҳожирлар, ансорлар, лашкар амирлари, ҳаждан сўнг хабарни эшитиб келганларни айтиб келишга одамлар юбордилар. Ҳамма у кишидан халифаликка номзодни эълон қилишларини талаб қилар эди. У киши Усмон ва Али розияллоҳу анҳумога назар солдилар-да:

«Мен икковингиз ҳақингизда, бошқалар ҳақида сўрадим. Одамларнинг бошқани икковингизга тенг кўрмаслигини билдим», дедилар. Шуронинг бош-қа аъзоларига ҳам худди шу гапни айтдилар.

Сўнгра Али розияллоҳу анҳунинг қўлидан тутдилар-да:

«Ўзинг биласан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қаробатинг (қариндошлигинг) бор. Исломда қадимлигинг бор. Аллоҳ тепангда турибди. Айт-чи, сени амир қилсам, адолат қиласанми? Усмонни амир қилсам, унга қулоқ осиб, итоат қиласанми?» деди.

«Ҳа», деди у.

Кейин бошқаси билан холи қолиб, унга ҳам худди аввалгига ўхшаш

гапларни айтди».

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу минбарга чиқдилар. У киши қиличларини тақиб олган эдилар. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу минбарда туриб, ичларида Аллоҳ таолога дуо қилдилар. Дуони одамлар эшитмадилар. Кейин эса:

«Қўлингни кўтар, эй Усмон!» деди-да, унга байъат қилди. Али ҳам унга байъат қилди. Ҳовли аҳли ҳам кириб, унга байъат қилдилар».

Байъат пайтида одамлар ичида энг ғамгин кўрингани ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу эдилар. Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг ўзлари минбарда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўринларига ўтириб олган, ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳуни эса бир поғона пастга ўтказиб қўйган эдилар.

Ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси байъат қилиб бўлганларидан сўнг Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарларида туриб, халифа сифатида ўзларининг биринчи хутбаларини қилдилар. Аллоҳга ҳамду сано, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга саловоту дурудлар айтганларидан сўнг қуйидагиларни айтдилар:

«Албатта, сизлар қалъасифат ҳовлида умрларингиздан қолганидасизлар. Ажалларингиз келмасдан туриб, яхшилик қилиб қолинглар. У сизга эртамикечми, албатта, келади. Огоҳ бўлинглар! Дунё алдовга ўралгандир. Дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўзингиздан олдин ўтганлардан ибрат олинглар. Жиддий бўлинглар. Ғафлатда қолманглар. Чунки сиздан ғафлатда қолинмас. Қани дунёга қул бўлганлар!? Дунёнинг ортидан юрган, уни обод қилган ва ундан узоқ вақт ҳузурланганлар қани!? У уларни ютиб юбормадимми!? Аллоҳ дунёни қаерга отса, сиз ҳам ўша ерга отинг!»

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг одамларга халифа сифатида биринчи ўқиб берган намозлари Аср намози бўлди.

Бу ишлар йигирма тўртинчи ҳижрий сананинг учинчи Муҳаррамида бўлиб ўтди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 22-жузидан олинди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2020 йил 10 мартдаги 1801-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

